

Гози Олим Юнусов — биринчи ўзбек тилшунослик профессори, таржимон, фольклоршунос, олий ўқув юртида форс ва араб, ўзбек ва рус тилларидан дарс берган мураббий ҳамда ажойиб ташкилотчи раҳбарлардан бири эди. У 1929—1930 йилларда Ленинграддаги Шаркшунослик институтида илмий ходим ва илмий котиб лавозимларида ишлаб юрган чоғидаёқ этнография ва филология фанларидан катор тадқиқотлар олиб бориб, ўткир шаркшунос сифатида тилга тушганди. Жаҳон дунёвий фанларининг атокли намояндалари— Н. Я. Марр, А. Н. Корш, Е. М. Малов, А. Н. Самойлич, П. М. Мелиоранский ва Е. Э. Бертельснинг тавсияси билан унга 1930 йили «профессор» деган юксак унвон берилган эди. Аммо адолат ер қаърига қўмилган даврда катагон килинган бу улуг зот ҳаёти ва фаолияти ҳақида халқимиз ярим аср ошдики тузукрок маълумотга эга эмас.

Гози Олим Юнусов 1893 йилда Тошкент шахрининг Ширинкудук маҳалласида ишчи оиласида дунёга келди. Бошланғич таълимни биринчи босқичли мадрасада олди. Рафикаси Валентина Ивановна Юнусова, 1925—30 йиллар оралигида тугилган Эрк, Мира, Оскар ва Комила исмли фарзандлари даврнинг шафкатсизликларига бардош бериб, таҳкирланаётган ота дардига шерик бўлиб яшадилар.

У киши кўхна туркий адабиётнинг ўткир билимдони эди. Гози Олимнинг бобоси Абубакр Аҳмаджон ўғли ҳамда поччаси Бахти Гани Илқинлар фольклоршунос, адабиётшунос, этнограф сифатида таникли эди. Улар араб, форс, немис тилларини яхши билардилар. Гози Олим ана шундай оила муҳитида вояга етганди. Шу сабабли у ёшликдан илм олишга меҳр қўйган эди.

Олимнинг умр йўлдоши Валентина Ивановна бизга қуйидагиларни хикоя қилиб берганди: — У бир ўқиган китоби ёки дрстонини бошқа такрорламас, бир йўла ёдда саклаб қоларди. Шу туфайли уйимизга таниш-билишлари — рус, татар, немис, инглиз, ўзбек ва қозок олимлари тез-тез келиб турарди. Гози ака ана шу миллат вақиллари билан ўз тилларида эркин суҳбат қурадилар. 1914 йили олий мадрасанинг тил ва мафкура факультетини битиргач, уни ахлоқ-одоб, ҳуқуқ ва дин муаммолари мутахассислигини эгаллаш учун Қоҳирага ўқишга жўнатишди. У ёкка эса факат ўткир зехнли талабалар юбориларди. Ўз соҳасига. оид араб, турк, немис, инглизча китобларни аслиятда ўқиб ўрганганди.

Таҳсилни аъло баҳоларда битирган Гози Олимга Ота Турк номидаги тақдирнома берилади ва шу ерда ўқитувчи сифатида қолдирилади. Аммо қалби ўз ватани, қариндешларини қўмсарди — бироз ишлаб, тез орада қадрдон Тошкентига қайтиб келади ва турли олий ўқув юртларида она тилидан дарс бера бошлайди.

1923 йилда у Биринчи Савдо жамияти раислигига тайинланади. 1924 йилнинг ноябрида мазкур жамият тугатилгач, у адлия халқ нозирлигида ҳуқуқ масалалари бўлимини бошқаради, катор қонун мрддаларини ўзбек тилига таржима қилиш ва мрхиятини оммага етказишда рлимнинг хизмати қатта.

— Ҳукуматимиз бизни 1925 йили Самарқанд шахрига ишга жўнатди, — деб эслашда давом этган эди Валентина Ивановна. — Бу ерда у киши Халқ маорифи комиссарлигида илмий котиб лавозимида ишлади. Икки йилдан сўнг, нозирликнинг Тил ва атамашунослик қўмитасига ўтиб, илмий иш билан машғул бўлди, шогирдларига умумий тилшунослик ва сиёсатдан сабоқ бериб борди. Талабалар билан эса ўзбек тилининг товуши ва сўз маънолари бўйича, қолаверса, форс, араб ва инглиз тилларидан машғулотлар ўтказди.

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Собиржон Иброхимов Гози Олимнинг мураббийлик махорати хақида шундай деган эди: — Мен ўзбек имлосининг илмий асослари хақидаги назарий маълумотларни илк бор 1929 йили Самарканд дорилфунунида шу мўътабар домладан олганман. Бир гал Гози Олим Педакадемияга келиб, ўзбек ёзуви лотин имлосига кўчаётгани, бу ишга Кори Ниёзов асосий мутассади қилиб белгилангани хусусидаги хабарни айтди. Бу «янгилик» амалга ошиб қолса яхши натижа бермаслигидан афсуслангандай бўлди. Устоз жумхуриятимиз тасарруфидаги минглаб жой номлари, қабила ва элат номлари маъноларини аниқлаш асосида ўзлгимизни, тарихимизни чуқур ўрганишимиз зарурлиги хақида қуюнчаклик билан гапирарди. Мен устоздан илмий ишда қўл келадиган тадқиқ ва таҳлил усулларини ўрганганман. Чунинчи, 1929-1930 йилларда халқ шевалари ва оғзаки ижодиётини ўрганиш муаммоларига бағишланган Атамалар Кўмитаси томонидан уюштирилган илмий сафарларда уч марта иштирок этганман. Унга Гози Олим Юнусов бошлиқ эди. Мазкур гуруҳ таркибида атоқли турколог ва шарқшунослардан Юдахин, А. К. Боровков, В. В. Решетов ҳамда истеъдодли тилшунослар — Н. Саид, К. Рамазон, Элбек, Т. Иброхимовлар бор эди.

Шогирдлар томонидан айtilган бу илик фикрлар машхур олимнинг инсоний қиёфасини очиқ беришга яқиндан ёрдам беради. Шунинг учун хотиралар — дил сўзларини келтиришда давом этамиз:

— 1930 йили Ленинградда Н. Я. Марр номидаги Тил ва фалсафа олий илмгоҳида аспирантлик муддатини ўтаётганимда устоз билан учрашганман, — деб эслаганди таниқли тилшунос Сафо Зуфаров. — Ўшанда Гози Олим Юнусов Шарқшунослик олий илмгоҳига илмий қотиб бўлиб ишга келган экан. У киши менга талай маслаҳатлар берди. Эсимда, Поливанов, Батманов қаби қатта тилшунослар ҳам Гози оға билан мунозарага қиришганда ниҳоятда эҳтиёт бўлишар, ҳар бир сўзини ўйлаб-ўйлаб гапиришарди. Ўзбек миллий маданиятини жаҳон миқёсига қўтариб чиқиш йўлида қатта илмий-амалий ишлар қилган Гози Олим Юнусов қўллаб асарлар, ўқув қўлланмалари ёзиб қолдирган. Унинг «Юридик атамалар лугати», «Ўзбек лаҳжалари таснифида бир тажриба», «Ўзбек уруғларидан қатғонлар ва уларнинг тили», «Ўзбек тили грамматикаси» қаби қитоблари, «Брлалар адабиёти тўғрисида бир фикр» «Алла» тўғрисида бир-икки оғиз сўз», «Ўрта Осиё турқларининг янги алифбоси», «Ўзбек тилининг товушлари» қаби илмий-услубий жиҳатдан бақувват мақолалари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Олим табиатан миллатсевар бўлиб, ўз халқини ниҳоятда қадрларди. У зукко этнограф, синқков фольклорчи ҳам эди. 1922 йилда йирик ўзбек достони — «Алқомишини Фозил Йўлдош ўғлидан биринчи бўлиб ёзиб олган эди. Достон моҳияти, мазмуни ва нусхалари хақида мухтасар мақола ёзиб, уни 1923 йили «Билим ўқоғи» журналининг 2-сонида қоп эттирган. Гапнинг индаллосини айтганда, ўзбек фольклоршунослигининг пойдёвори шу улуг зот томонидан қўйилган эди. У Х. Зарифга ўхшаш истеъдодли ёш қодимларни тарбиялаган. Гози Олимнинг «Ўзбек лаҳжалари таснифида бир тажриба» рисоласи халқимиз шевалари биринчи бор этно-лингвистик нуқтаи назардан тасниф қилингани билан муҳимдир. Унда муаллиф профессор Е. Д. Поливановнинг ўзбек шевалари таснифида йўл қўйган қатор қамчиликларини қўрсатган, улар қай жиҳатдан текширилиши, тасниф қилиниши мақсадга мувофиқлигини лўнда баён этган: ўзбек лаҳжаларининг бир-биридан ўзаро фарқланувчи товуш, сўз таркиби ва маъно хусусиятларини аниқлаган.

Олим ўзбек шеваларини дастлаб уч гуруҳга: ўзбек-қипқок, турк-барлос ва Хива-Урганч

лахжаларига ажратиб текширади. Бу лахжалар, унинг таъкидлашича, ўз навбатида икки қисмга бўлинади, биринчи қисм қирк, жалойир-лакай, кипчок, гурлан, иккинчи қисм Сайрам-Чимкент, Тошкент-Ховос, Андижон-Наманган шеваларидан иборат.

Ижоди айна камолга етиб, тўлишган пайтда устознинг бошига огир кулфат тушди — омонсиз тухматга дучор бўлди.

— Ўттиз еттинчи йил апрель ойининг йигирма учинчи куни бўлса керак, — дея надомат билан хотирлаган эди Валентина Ивановна, — ярим кечада эшигимиз тақиллаб қолди. Икки киши тақлифимизни кутмаёқ ичкарига бостириб кириб, «Биз НКВДданмиз» дейишди. Қелганларнинг бири рус, иккинчиси ўзбек эди. Улардан бири уйдаги хужжатлардан тортиб, китоб, газета-журналларгача олиб кетажаклари тўғрисида қўпол оҳангда гап қотди. Иккинчиси эса деразага яқинлашиб, қўча томон имо қилди. Шу захоти яна уч киши кириб қелди. Улар тинтувни бошлашди. Биз эр-хотин кимирламай турдик. Топширик шундай эди. Шунда Гози Олим бўлаётган адолатсизлик, қўполликка тоқат қилолмай, русчалаб гап қотди: «Нима гуноҳ қилибман, нега бунчалар қуюшқондан қияқпсизлар?» «Юринг, сиз билан ўша ерда гаплашамиз», дея гапни қиска қилди НКВД ходими.

Шундай қилиб, машҳур олим замон ўзбошимчалиги, адолатсизлиги гирдобига тортилди. Пантуркист, аксилинқилобий миллатчи деган машъум атамалар ўйлаб топилиб, илму маърифатга ташна қишиларнинг пешонасига ёпиштирила бршланди.

ЎзССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси хужжатгҳрида сақланаётган 4269-рақамли «Ишини қўздан қечирганимизда, рлимга тергровчи Агабекрв ва Загврздинлар томонидан қуйидаги айблар тақилгани гуврхи бўлдиқ: «Гози Олим Юнусов аксилинқилрбий миллатчи ташқилртнинг аъзрси, Ўрта Осиё жумхуриятларини Срвет Иттифоқидан ажратиб олиб, буржуа миллий давлатини тузишни ўз олдига вазифа қилиб қўйганлардан бири; чет эл билан алоқа боғлаш мақсадида ташқилот аъзоларини қўпоровчилик ишларига жалб этган; ташқилотга тортиш учун ёшлар орасида аксилинқилобий руҳда. иш олиб борган, аксилинқилобий тарғибот ишларини юритган».

Гози Олимнинг ҳақиқий сийрати бир кеча-кундуз қийноқдан кейин терговчига берган жавобларида яққол намоён бўлади. Мана ундан намуналар:

— Пантуркистлар ҳаракатига қачон қўшилгансиз?

— Вят губернасининг Буби қишлоғида ўқиб юрганымда таниқли пантуркист Абдулла Буби ва Губайдулла Буби ҳамда Туркияда машҳур турк намояндалари билан ҳамфикр бўлганман. Туркияга 1909 йилда қетгандим. Сўнгра Қоҳирага жўнадим. У ерда «Азгар» олий мадрасасида ўқидим. Жаҳон уруши бошланиб қолгач, Тошқентга қайтдим? Шу даврларда пантуркистлар тарбиясини олдим. Бироқ уларнинг ташқилотига аралашмаганман.

— Бу даврда Туркияда сиз қимлар билан бирга ўқигансиз?

Туркияда Фитрат, бухоролик қушбегининг жияни Муқомиддинбек, Маъзар Бурҳоновлар бор эди; Бекжон Раҳмонов, Шохид Эсон Мусаев, Қомид Саид, Ота Хўжаев — бухоролик Аҳмаджон Махзулланинг ўғиллари мендан сўнг боришди.

— Сиз туркистонлик талабалар Истамбулда пантуркистларнинг Туркистонда қанаканги ташқилотини тузишни мақсад қилиб қўйган эдингизлар?

— Истамбулга қелгач, у ерда «Турон нашри маориф» жамияти бор эканлигини қилдим. Бу «Иттиҳод ва таракқий» билан боғланган бўлиб, унга Фитрат, Маъзар Бурҳонов ва Абдулазиз Қулжави бошқилик қилар экан. Мазкур жамият яна «Турк ўқоғи» жамияти

билан ҳам боғлиқ экан. Ушбу жамиятлар аъзолари туркистонлик талабаларни ўқишга жойлаш бўйича Туркиянинг масъул вакиллари эканлар.

—Туркистонга қачон қайтдингиз ва қандай пантуркистик ишлар олиб бордингиз?

— 1914 йилнинг июль ойида, Туркияга яна қайтиб кетиш шarti билан келдим. Бирок халқ таълими министрлигидаги Рифъатбой ва Азизбойлар мени Германияга ўқишга юборишга ваъда беришганди. Лекин жаҳон уруши тўскинлик қилиб қолиб кетдим. Тошкентда Абдулла Авлоний ва Низомиддин Хўжаев билан ҳамкорликда «Турон» жамиятини туздик. Максадимиз пантуркизм ҳаракати асосида халққа маърифат тарқатиш эди.

— Инкилобдан сўнг қанақанги аксилинкилобий ҳаракатлар олиб бордингиз?

— 1918 йили Кўкон мухторияти таъсис съездида депутат сифатида қатнашдим. Бу ерда кадетлар ва Дутов жамияти тузумига қарши сўзладим. Улар Туркистон халқига миллий эркинлик беришни истамас эдилар. Сиёсатдаги бу ғарибликни танқид қилдим.

— Яна қанақанги аксилинкилобий ишларни амалга бширдингиз?

— Тошкентда «Турк ўчоғи» жамиятини туздим ва бошқардим. Шунингдек, ёшлардан пантуркист кадрлар тарбияладим ва «Ишчилар тўдаси» жамиятини туздим. — 1918 йилда Туркияга нима мақсадда борган эдингиз?

— Нуриддинбек Худоёрхон билан бирга Туркия партияси ва ҳукуматининг «Иттиҳод ва тараккий» жамиятидан Совет Россиясининг Туркистон бўлимига қарши кураш учун ёрдам сўраб бордик.

— Туркия арбоблари билан сизларнинг суҳбатларингиз қандай натижа берди?

— Бу ерда Туркия хавфсизлиги вазири Азизбой орқали Талъат подшоҳ билан учрашдим. У менга Саид Носир Миржалолов билан Женевага боришни таклиф этди. Бу ерда миллат бошлиғи билан Туркистонни Россиядан ажратиб олиш хусусида фикрлашиб олиш керак эди. Мен бундай сафардан бош тортдим.

Сизнинг аксилинкилобий фаолиятингизда Мусбюрода қанақанги гап-сўзлар бўлди ва у қандай йўл-йўриқлар қурсатди!

— Бизнинг аксилинкилобий фаолиятимиз Мусбюро тасдиқлаган Рискулов маърузасида ўз аксини топган. Унда қуйидаги талаблар бор эди: «Туркистон иқтисодий, ҳарбий, молиявий ҳамда ташқи сиёсат томонидан мустақил бўлиш учун миллий чегараланишни ўтказиш — миллий мустақил бўлиш гоёлари илғари сурилган. Мусбюронинг бу ҳулосалари ВКП(б)нинг Турккомиссиясидаги ўзбошимча, бебош аъзолари Элиава, Фрунзе, Қуйбишевва Рудзутақлар томонидан йўққа чиқарилди.

— Яширин аксилинкилобий ташкилот ва у билан тенг боғланган легал ташкилотларнинг аъзолари ҳақида маълумот бермайсизми?

— Яширин ташкилотнинг борлиги ҳақида ҳеч нима билмайман ва бор бўлса ҳам унга қатнашмаганман...»

ЎзССР Ички ишлар халқ нозирлиги Давлат хавфсизлиги кўмитасининг 3-бўлим бошлиғи лейтенант Затуранский ва шу бўлим бошлиғининг ёрдамчиси сержант Акжигитов. 1937 йил, 25 апрель».

37-йилда кўзга кўринган зиёлиларимиз туркпарастлик айби билан камокка олинаётганди. Туркий халкларнинг маданий бирлиги, илмий-адабий ҳамкорлиги учун яхши ниятда иш бошлаган жамиятларга ҳам сиёсий ёрликлар, жиной айблар такала бошлан-ди. Сталинча сиёсат хатто ўз миллати билан фахрланиш туйғусига ҳам тиш-тирноги билан карши турарди. Улар барча халкларни доимо мазлумликда саклаш тарафдори эдилар.

30-йиллардаги дўзах ўтида куйиб, ярим ногирон бўлиб чиккан атокли мураббий ва маърифатчи, мархум Шорасул Зуннун билан 1989 йил, 21 февраль куни килинган сухбатдан бир лавха келтирамиз.

«Саволингизга хозирги кунда ҳам жавоб беришга кўркаман. Чунки шу кунларда ҳам соткин, чакимчи, иккиюзламачилар тўлиб ётибди. Ўша 1937 йилнинг июль ойлари эди. Мени изолятордан саргитдан келган, ўрта бўйли, билаклари йўгон, кўзи кўкимтир, думалок бурунли Акжигитов сўрок хонасига олиб чикди; олдимга Боту ва Мунаввар кори хакида ёзилган «Миллий иттиход» фаолияти, унинг бошлик ва аъзолари хусусидаги аксилинкилобий пантуркистик иборалар изохланган, умрим бино бўлиб эшитмаган гаплар ёзилган «Сўрок маълумотнома»сини куйди. Кўз югуртирдим. Рус тилини яхши билмаганим учун анча вақт хижжалаб ўқишга интилдим. Сабри чидамаган халиги бетокат терговчи «тайёр хужжат»ни кўлимдан тортиб олиб, ўзи ўкиб берди ва имзо чекишимни талаб этди. Мен бош тортдим. Мунозара кечгача давом этди. Сўнг Фитрат билан Гози Олим Юнусов тўгрисида саволлар бера бошлади. Мен уларни яхши танишим, баъзи масалаларда ҳамфикрлигимни айтдим. Хуллас, максадига эриша олмаганидан кейин ертўлага олиб тушди. У ерда елкам ва ўнг оёғим ишдан чикди, бакувват йигитнинг зарбли мушлари, аёвсиз тепкилари Акжигитовни илхомлантирарди. Етти кундан сўнг яна навбатдаги сўрокка чакиришди. Тригулов саволга тутди. У ҳам Акжигитов тайёрлаган «Сўрок маълумотнома»сини имзолашга узатди. Бўйин товламокчи бўлиб турган эдим, худди осмондан тушгандек мени калтаклаган ёвуз терговчи пайдо бўлиб колди. У ўзини мулойим кўрсатарди. Тригуловга караб: «Яхши бўлиб колди, кўл кўяди», деди. У менга караб «Тезрок кўл кўй, бўлмаса ўзинг биласан», дегандек имо килди. Агар такрор ертўлага тушсам, кайта сог чикмаслигимга аклим етарди. Шундай килиб, «Жавобларимни ўкиб эшиттиришди, имзо ўзимники», деган жумла тагига кўл кўйишга мажбур бўлганман».

Ха, худди шундай.

Атокли ўзбек шоири Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўлпоннинг 1937 йил 10 августда Акжигитовга берган Гози Олим хакидаги далилларида ҳам шу нарсга яқкол акс этган. Ва буни Чўлпоннинг «соткинлиги» деб тушунмасликларингизни жуда-жуда истардим. Мана, тилшунос олимга кўйилган айбнома: «Ўзбекистонда аксилинкилобий пантуркистлар ташкилотининг фаоллари ва аъзоларидан бири Гози Олим Юнусовдир. У Туркияда ўкиган: «Турк ўчоги» ташкилотини тузган; фаол аксилинкилобчи. У «Чигатой гурунги» аксилинкилобий жамиятида ҳам катнашади. Бу жамиятни 1919 йилда Фитрат тузган. Мазкур жамият пантуркизм гояларини адабиёт оркали халкка тарғиб килади: ташкилотга ходимлар тайёрлайди.

1920 йилда Фитрат «Тонг» ойномаси ташкил этиб, унга Элбек ва Гози Олим Юнусовни торган...

1928—1929 йилларда атамашунослик ва имлога бағишланган анжуманда пантуркизм гояларини фаол ташвиқ килишда Гози Олим Юнусов, Боту, Фитрат, Бўлат Солиев, М. Рахмонов, Бекжон Зокирий ва бошқалар катнашган...»

Миллатни севиш (уларнинг таъбирича, «миллатчилик») катагон даврида энг огир жиноят хисобланарди. Ватанпарвар зиёлилар бундай «гуноҳ»ни бўйинларига ошкора олишдан катъий бош тортганлар. Натижада хавфсизликкумитаси терговчилари уларни аёвсиз исканжага солишар, хаммаслакларни бир-бирига чакимчи килиб кўрсатардилар.

Тергов жараёнидаги узлуксиз азоблардан сўнг олим ўзининг «гуноҳи»ни «тан олиш»дан бошқа чора тополмайди, 1937 йилнинг 5 октябрида у терговчи Тригулов саволларига шундай жавоб беради:

«Мен, тилшунос профессор, хакикатан ҳам миллатчилик руҳидаги китобларни гоёвий-маданий жабҳада, шунингдек тил қурилиши соҳасида ўзбек тилига ағдарганман... Мен аксилинкилобчи миллатчи ташкилотнинг раҳбарларидан бири сифатида жумҳурият фан комитети, атамаком ва бошқа илмий ташкилотлар билан (Фитрат, О, Хошимлар биргаликда) гуруҳнинг аксилинкилобий ишларини бошқардим...»

СССР Олий судининг сайёр Харбий хайъати 1938 йилнинг 4 октябридаги (раис Алексеев, аъзолари — Зайцев, Болдиров, Батнер ҳамда кораловчи ёрдамчиси Шульц катнашган) ёпик мажлисида профессор Гози Олим отувга ҳукм этилди.

Кеч бўлсада, ижтимоий хакикат тантана қилди. СССР Олий суди Харбий хайъати бу адолатсиз ҳукмни бекор этиб, 1957 йилнинг 27 июнидаги 4н02—5571 рақамли ажрими билан таникли профессор фаолиятида жиноят йўқ, деб топади ва уни тўла оқлайди. Ўзбек халқининг атоқли тилшунос олими, таржима санъатининг мохир устаси, туркий ва форс адабиётининг беназир тадқиқотчиси, ўзбек фольклоршунослигининг бошловчиси, катта мураббий, миллий истиклол йўлида жонини қурбон қилган Гози Олим Юнусовнинг порлок хотираси озод ўзбек эли дилида барҳаёт яшашга ҳақлидир.

Исломжон ТУРСУНОВ, Хайдарали УЗОКОВ, фан номзодлари